

**SWOT ТАХЛИЛИ АСОСИДА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИ  
БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Паязов Мурод Максудович**

ФарПИ “Менежмент” кафедраси докторанти (DSc), и.ф.н., доц.

**Аннотация**

мақолада Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорт хизматлари натижадорлиги SWOT таҳлил қилинган, темир йўл хизматларини ташкил этишига оид айrim жиҳатлари қараб чиқилган. Темир йўл тармоғида хизмат сифатини оширишда сифат стандартларини бошқаришнинг эътиборли жиҳатлари ёритилган

**Калит сўзлар:** SWOT таҳлил, иқтисодиётнинг локомативи, темир йўл сервиси, ISO, IRIS, TQM, Кайзен (Kaizen), KPI, BSI

**МОДЕРНИЗАЦИЯ УПРАВЛЕНИЕ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНЫМУСЛУГАМИ ПО  
АНАЛИЗУ SWOT**

**Паязов Мурод Максудович**

к.э.н., доц. Докторант Ферганского политехнического  
института (DSc) кафедры «Менеджмент»

**Аннотация**

в статье проанализирована эффективность работы железнодорожного транспорта Республики Узбекистан методом SWOT, были рассмотрены некоторые аспекты, связанные с организацией железнодорожных услуг. Выделены важные аспекты управления стандартами качества в повышении качества обслуживания на железнодорожной сети.

**Ключевые слова:** SWOT-анализ, локомотив экономики, железнодорожное сообщение, ISO, IRIS, TQM, Kaizen (Кайдзен), KPI, BS

**MODERNIZATION RAIL SERVICE MANAGEMENT BY SWOT ANALYSIS**

**Payazov Murod Maksudovich**

Candidate of Economics, Dots. Doctorant of the  
Fergana Polytechnic Institute (DSc) Department of Management

**Abstract:**

The article analyzes the efficiency of the railway transport of the Republic of Uzbekistan using the SWOT method, some aspects related to the organization of railway services were

considered. The important aspects of quality standards management in improving the quality of service on the railway network are highlighted.

**Keywords:** SWOT analysis, locomotive of the economy, railway service, ISO, IRIS, TQM, Kaizen (Kaizen), KPI, BSI

## **Кириш**

“Хизматлар соҳаси ривожланган замонавий инфратузилмага эга постиндустрисал иқтисодий жамиятда хос. Айнан ривожланган давлатларда иш билан банд бўлганларнинг 60 фоизидан ортикроғи хизмат кўрсатиш соҳаларида банд”. Жаҳон мамлакатларида хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўртacha 61 фоизни ташкил этди. Мамлакатимизда бу кўрсаткич 36 фоиздир. Лекин 86 фоиз кўшимча қиймат шу соҳада яратилади. “Замонавий шароитда хизмат кўрсатиш соҳасини ўрганиш приципиал аҳамиятга эга”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ўз худудида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини тушиб, сўзсиз амалга ошириши керак. Бу борада намунавий лойиҳалар ишлаб чиқиб, молиялаштиришга кўмаклашиш учун тижорат банклари худудларга бириктирилди. Барча туманлар кесимида аниқ вазифаларни ўз ичига олган хукumat қарори қабул қилиш зарур” лиги тўғрисида кўрсатмалар берди.

Хизматлар соҳасининг мамлакат иқтисодиёти ҳамда бугунги кунда Президентимиз томонидан қўйилаётган асосий вазифалардан бири сифатида хизматлар соҳасини ривожланитириш долзарбдир.

## **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Хизматлар бозорини ривожлантиришнинг илмий-назарий ва методологик муаммоларининг баъзи жиҳатлари Ж.Ж.Ламбен, Ф.Котлер, Ф.Армстронг, Г.Сондерс, Д.Вонг, М.Порттер, Е.Дихтель, Х.Хершген, Дж.О.Шонесси, Уолкермл. О., Бойд-мл. Х., Ларше Ж.-К., Дж.Маллинз, К.Лавлок, Н.Малхотра, П.Чевертон, Ансофф И., Каплан Р., Нортон Д. , Минцберг Г., Альстренд Б., Друкер П., Томпсон А.А., Стрикленд А.Дж., Шумпетер Й. Р. Майлз, Ч. Сноу каби хорижлик олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган .

МДҲ мамлакатлари олимларидан хизматлар бозорини ривожлантиришнинг масалалари М.П. Афанасьев, И.М.Аксенов, И.С. Березин, Т.А. Гайдаенко, Е.П. Голубков, М.М. Ковшова, И. Котляров, В.П. Третьяк, А.О. Макурина, В.А. Фурсов, А.Д. Шишков ва бошқаларнинг тадқиқотларида кенг баён этилган.

Маҳалий иқтисодчи олимлардан А.Ш.Бекмурадов, Қ.Х. Абдурахмонов, М.Р.Болтабаев, З.Ж.Адилова, А.Солиев, А.А.Фаттахов, Ш.Ж.Эргашходжаева, Э.Г. Набиевларнинг тадқиқот ишлари товарлар ва хизматлар бозорини ривожлантиришнинг илмий назарий

асосларини яратишига қаратилган. Шунингдек, транспорт тизимини ривожлантиришнинг хизматлар бозори муаммолари К.У.Ульджабаев, Н.Ч Сафаров, Я.К. Қорриева, М.А. Икромов, К.Ш. Зиядуллаев, М.Н. Ирисбекова томонидан бажарилган

Жаҳон иқтисодиётининг муҳим инфратузилмавий тармоқларидан бири темир йўл транспорт хизматлари тизими бўлиб, уни ривожлантириш ҳар бир миллий иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳамда мамлакат иқтисодиётнинг локомативларидан биридир. Иқтисодий алоқаларнинг глобаллашуви ва ҳалқаро савдонинг ривожланиши шароитида ички ва ташки ғозорлардаги юқори рақобатбардошлиқ, транспорт тизимининг, шу жумладан темир йўл транспортининг сифат жиҳатдан ривожланиш даражаси билан белгиланади.

**Тадқиқот методи.** Мақолани тайёрлаш жараёнида диалектик таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, SWOT, илмий абстраксия, монографик қузатув. Тизимли ва қиёсий таҳлил усусларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қарорлар, фармон ва устувор йўналишлар қабул қилинганлигини, жумладан темир йўл хизматларини яхшилаш борасида илгари сураётган ғояларини инобатга олган ҳолда бугунги кунда жаҳон ҳалқаро хизматларида темир йўлнинг улуши (1-жадвал)ни мавжуд умумий ер майдонига нисбатан темир йўл узунлиги ҳамда электриглаштирилган темир йўлларга солиштирдик.

### 1-жадвал Дунё мамлакатларида ер майдонига нисбатан темир йўлларнинг улуши

№	Давлатлар	Умумий ер майдони (минн.км <sup>2</sup> )	Темир йўл узунлиги (минг.км)	Юқ ташини хизматлари улуши хизматлардинг нече фракциини ташкил этади	Электриглаштирилган йўуллар (минг.км)	Электрилаштирилган тирилган темир йўуллар умумий темир йўлга нисбатан (%)
1	АҚШ	9343	23564	40	51244	20
2	Россия	17125	85300	45	43400	51
3	Хитой	9 598	124000	67	80000	65
4	Франция	551,5	29901	82	15140	51
5	Япония	377,9	27268	22	-	0
6	Германия	357,4	43468	75	19973	46
7	Ўзбекистон	448,9	4735	25	1830,3	39

### **Манба: Муаллиф томонидан ишланган.**

Жадвал маълумотларида Ўзбекистон темир йўл хизматлар соҳасини такомиллаштиришда темир йўл хизматлари етиб бормаган худудлар кўплигини билдиради. Кўрсатилаётган хизматларнининг қамровини тахлил қилинганида Германияда юк ташиш хизматларининг 75 фоизи тўғри келса, Ўзбекистонда бу 25 фоизга тўғри келган. Темир йўллар мамлакат иқтисодий қурдатини оширишда асосий қон томир вазифасини бажаради. Ушбу тизимлар фаолияти етарлича такомиллаштрилмаган.

Шунингдек, иқтисодий статистик маълумотларида; 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси темир йўллари транспорти ҳажми 35,0 миллион тоннани ташкил этди, шундан 19,6 миллион тонна (56%) ЕИИ (Европа иқтисодий иттифоқи) мамлакатларига: экспорт – 8,7 миллион тонна, шу жумладан 6,0 млн тонна (69,0%) ЕИИ мамлакатларига; импорт - 19,3 млн.т., шу жумладан. 13,1 млн.тонна (68,0%) ЕИИ давлатларидан; транзит - 7,0 млн.т., шу жумладан. 0,4 миллион тонна (6,3%) ЕИИ мамлакатларига.

ЕИИ билан солиштирилганида транспорт парки сони: ЕИИ мамлакатлари юк вагонлари – 1,37 миллион донани, Ўзбекистонда – 20 мингга яқинни ташкил этади (1,5%).

Биз тадқиқот ишларимизни давом эттирган ҳолда темир йўл хизматлари натижадорлигини ошириш мақсадида хизматларнинг SWOT таҳлилини амалга оширидик (2-жадвал).

### **2-Жадвал Темир йўлларда хизматлар натижадорлигининг SWOT таҳлили**

Афзал жиҳатлари	Заиф жиҳатлари
Резерв қувватларининг мавжудлиги; йўловчиларни ташишда нисбатан паст тариф белгиланиши; йўловчилар ташишнинг мунтазамлиги; йирик вилоят марказлари ва шаҳарлар, тарихий-маданий марказлар ўртасида бевосита алоқалар; юкори тезликдаги йўналишларни ривожлантириш имконияти, ҳамма жойда темир йўл куриш имконияти; кўп сонли одамлар ва оғир юкларни ташиши; ҳар қандай об-ҳаво шароитида фойдаланиш мумкинлиги; худуднинг ривожланиш устуворлиги мавжудлиги; турли хил юкларни ташишда сифимли контейнерларнинг мавжудлиги; атмосферага бошқа транспорт воситаларига нисбатан кам зарарли газ чиқиши; йўловчилар ва	Тарифларнинг давлат томонидан тартибга солиниши; таърифларни ишлаб чиқишида худудларнинг имкониятлари ҳисобга олинмаганлиги; йўловчиларни ташишда паст сервис сифати; ҳаракатланувчи таркиб, ахборот технологияларининг, интерактив мижозлар билан ўзаро алоқа қилиш хизматларининг етарли ривожланмаганлиги; нфратузилмани ривожлантириш ва вокзалларнинг ўтказувчанлиги қобилиятини пастлиги (айкса байрам кунларида, сайёхлик мавсумида ва ҳоказо); маркетинг, менежмент стратегия компонентларини жорий этилмаганлиги; тортиш, тушириш, юклаш, иншоатлар ва техник жиҳозларнинг етишмаслиги аносисида худудлардаги марказий тўхташ бекатларида темир йўл паркларининг ривожланмаганлиги; кадрларни инновацион иқтисодиётнинг талабларига мувофиқ тайёрланмаслиги; темир йўл линияларининг маълум бир маршрутга қаттиқ бириктирилиши; хизматлар сифати ва турларининг замонавий иқтисодий, экологик ва инновацион талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги; замонавий йўловчи ташиш вагонларининг камлиги; темир йўл хизмат кўрсатиши линияларининг камлиги, худудларни тўлиқ эгалламаганлиги; темир йўл бекатлари, ҳамда худудий хизматларнинг пастлиги; транспорт каридорларини тизимини ривожлантириш учун мульти modal транспорт-логистика марказлари тизимининг етарли даражада ривожланмаганлиги; вагонларни улаш ёки поездни ўз вақтида таъмирламаслик туфайли юкни йўқотиш хавфи; айрим тоифадаги ишчиларнинг нисбатан паст иш ҳаки олиши; хизмат муддати ўтган

юкларни ташишда юкори даражадаги хавфсизликни таъминланиши; интермодал ташиш хизматлари мавжудлиги; етказиб бериш тезлигининг юкорилиги; йўлларда тирбандликларнинг мавжуд эмаслиги; божхона расмийлаштириш, божхона назоратидан тезда ўтиш имкониятининг мавжудлиги; юк ташиш тарифининг пастлиги	ҳаракатланувчи таркиб ва техник жиҳозларнинг мавжудлиги, уларни таъмиrlаш ҳаражатларининг юкорилиги; йирик ишлаб чиқарувчиларнинг темир йўлга шахсий кириш йўллари йўқлиги сабабли етказиб беришнинг биринчи ва охирги босқичларида автомобил транспортидан фойдаланиш зарурати; умумлаштирилган шаклда транспорт корхонасининг иқтисодий хавфсизлиги даражаси барча турдаги: капитал, техника ва технологик, интеллектуал ва кадрлар, ахборот, корхонага ташки муҳит ўзгаришларига адекват муносабатда бўлиши; юридик ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги пастлиги; техник ва технологик, маркетинг, молиявий, кадрлар бошқарувда ресурслардан самарали фойдаланмаслик; темир йўлларнинг аҳоли билан кесишган йўлларининг ҳаракат хавфсизлигининг етарли даражада таъминланмаганлиги; темир йўл транспортида инновацияларнинг мавжуд эмаслиги;
<b>Таҳдидлар</b>	<b>Имкониятлари</b>
ишлаётган ускунанинг ишончлилиги даражасининг етарли эмаслиги туфайли ташиш жараёнининг хавфсизлиги даражасининг пасайиши; темир йўл транспортига нисбатан давлатнинг тариф сиёсатининг ноаниқлиги соҳани янада ривожлантириш учун ҳам маълум хавфларни келтириб чиқаради; темир йўл транспортини ривожлантириш ва улардан фойдаланишни қўллаб-куватлаш учун давлат бюджети харажатларини кисқариши; халқаро алоқаларнинг муносиб тарзда йўлга қўйилмаганлиги; янгиланиш суръатларининг пастлиги ва инвестицион фаолликнинг пасайиши туфайли моддий-техник базанинг юкори жисмоний ва маънавий эскириши; технологик тузилманинг замонавий элементлари ва биринчи навбатда, замонавий ахборот технологиялари етарли даражада жорий этилмаганлиги сабабли ташиш жараёнини ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигининг пасайиши.	Халқаро ва ички сайёҳликни ривожлантириш шарти билан йўловчилар оқимининг динамик ўсиши; транспорт хизматларининг жаҳон ва минтақавий бозорларига интеграциялашуви натижасида рақобатнинг кучайишини; электропоездлар, электрлаштириш ёқилғи (углеводород) тежаш имкониятини беради; кулайликни ошириш мақсадида ҳаракатланувчи парк таркибини оптималлаштириш; вокзалларда хизматлар кўлламини ва сифатини кенгайтириш; барқарор туризмни ривожлантириш ва ҳудудларнинг маданий меросидан фойдаланиш имконияти очилди; ИТ-технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш; интермодал ташишда темир йўллардан фойдаланиш имконияти; темир йўл хизматларини ўтказивчанлигини ошириш орқали юк ва йўловчи ташишни ўз вақтида таъминлашга бўлган эҳтиёжларини қондиришда сифат даражасига эришиш; аҳоли фаровонлигининг ўсиши билан, айниқса, йирик шахар агломерацияларida жамоат йўловчилар алоқасини ривожлантириш талаб этилади; Хизматларнинг кенгайиши ишлаб чиқарувчиларни халқаро бозорларга чиқиш имкониятларини оширади; янги транспорт коридорларини яратиш ва ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш; операторлар хизмат кўрсатиш даражасини PL кўрсаткичларини жаҳон хизмат кўрсатиш даражасига олиб чиқиш; йўловчиларга кўрсатиладиган сервис хизматларини жаҳон андозаларига олиб чиқиш билан темир йўллари хизмати имиджини ошириш; асосий йўналишларда йўловчи поездларининг катнов сони ҳамда тезлигини ошириш; темир йўл хизматларини аҳоли гавжум жойларга, янги аниқлаган конлар, ишлаб чиқариш корхоналарига яқишлиштириш; корхоналар ўргасида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш ва транспорт харажатларини минималлаштириш учун "эшиқдан-эшиккача" схемаси бўйича товарларни этказиб беришни таъминлашни йўлга қўйиш; поездлар ҳаракати хавфсизлигини бошқаришда умумий сифат менежменти тизимига ISO 9000: 2015 ҳалқаро стандартлар киритилишига тўлиқ эришиш; юк ташиш хавфсизлигини ошириш учун иқтисодий асослаш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш учун университетларда мавжуд бўлган юкори илмий салоҳиятдан максимал даражада фойдаланиш; транспорт комплексини бошқариш соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини тўлиқроқ ҳисобга олиш; транспорт йўллаклари тушунчаси транформацияланиши асносида темир йўл транспорти хабларни ташкил этиш, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни жалб этиш; ҳам ички рақобатда (ташувчи, етказиб берувчи транспорт турлари ўргасида), ҳам ташки ракобатда (халқаро транзит тизимлари билан) ривожланиш.

### **Манбаа: Муаллиф томонидан ишланган**

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки Ўзбекистон Халқаро стандарт, шу жумладан темир йўл хизматлари стандартларига ҳам мурожаат қилдиқ.

Маҳсулот ва хизматлар сифатини истеъмолчилар талабига жавоб берадиган даражада ушлаб туриш ва корхоналарнинг рақобатбардошлиқ даражасини ошириш мақсадида жамият раҳбарияти тарафидан ISO 9001:2015 халқаро стандартларига мувофиқ сифат менежменти тизимини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирга келиб «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ нинг 20 та корхонасида сифат менежменти тизими юқорида кўрсатилган стандарт талабларига мувофиқ жорий қилинган ва ишламоқда. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки сифат ISO талабларига асосан сифат стандартини амал қилиш учун уни тадқиқ қилиш ҳамда амалда қўллаш менежментнинг (Plan-Do-Check- Act ) режалаштириш, бажариш, текшириш ва зарур чораларни кўришдир. Бунинг учун биз темир йўл тармоғида сифатини бошқариш соҳасида ҳалқаро стандартдарнинг талабаларини ҳам ўрганиб чиқишимиз мақсадга мувофиқдир (3-жадвал).

### **3-жадвал Темир йўл тармоғида хизматлар сифатини оширишда сифат стандартларини бошқаришнинг эътиборли жиҳатлари**

№	Номи	Мазмуни
1.	Темир йўл саноатининг ҳалқаро стандарти IRIS (International Railway Industry Standard).	ISO 9000:2000 серияси стандартлари билан биргаликда IRIS стандарти темир йўл саноати учун етказиб берувчиларни баҳолашнинг умумий тизимини жорий қилиш масадида ишлаб чиқилган темир йўл саноатининг ҳалқаро стандарти ҳисобланади. Ушбу сатндрартдар темир йўл саноати маҳсулотини лойихалаштириш ва ишлаб чиқиш ва зарур бўлганда етказиб бериш ва унга хизмат кўрсатиш учун бизнесни бошқариш тизими талабларни белгилаб беради.
2.	IRIS имкониятлари	IRIS стандарти: етказиб беришнинг сифатини таъминлаш; етказиб берувчилар билан ўзаро муносабатлар ҳалқаро талабларга мувофиқлигини баҳолаш учун «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ изчил қўлланиб келинади.
3.	Умумий сифатни бошқариш (Total Quality Management).	ISO 9000:2000 серияси ҳалқаро стандартларини методологик асосида тузилган умумий сифатни бошқариш концепцияси. Умумий сифатни бошқариш концепцияси компаниянинг барча таркибий бўлинмалари сифатни таъминлашда иштирок этиш учун масъулиятини белгилайди.
4.	Умумий сифатини бошқариш (Total Quality Management)	Э.Демпинг ўз тадқиқотларида сифатнинг 94 фоизи бошқаришга, 6 фоизи ижрочига боғлиқлигини, 85 фоизи ишни ташкил этишга, 15 фоизи иш жараёни билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Биз ушбу тизим орқали сифатни бошқариш самарадорлигини аниqlаш ва баҳолаш имконига эга бўламиз.

		Bиз мижозлар талабларини амалга ошириш даражасида компания ходимларининг ўз ишларидан қониқиши даражасини кўтариш яъни, корхона нафақат маҳсулот сифати, балки корхонада ишни ташкил этиш сифати, шу жумладан ходимларнинг меҳнати билан ҳам ишлаши керак бўлади.
5.	Кайзен (Kaizen)	"Кайзен" ни бизнесда кўллайдиган бўлсак, унда оддий ходимдан то юқори поғона раҳбаригача фаолиятини такомиллаштириш учун стандартлаштирилаётган фаолият ва жараёнларни йўқотишларсиз бошқаришни таъминлаш зарур бўлади.
6.	KPI ва BSC	BSC бизнес жараёнлари билан боғлиқ мақсадларни ўз ичига олган "бизнес жараёнлари" истиқболига эга. Ушбу мақсадларга эришиш кўрсаткичлари сифатида кўпинча ушбу бизнес жараёнларининг кўрсаткичлари - KPI кўлланилади. KPI натижа - қанча ва қандай натижа ишлаб чиқарилган; KPI ҳаражат- қанча ресурслар сарфланган; KPI функция - бизнес-жараёнларнинг ишлаш кўрсаткичлари (жараённинг уни амалга ошириш учун зарур алгоритмга мувофиқлигини баҳолаш имконини беради); KPI унумдорлик - олинган натижа ва уни олишга сарфланган вақт ўртасидаги нисбатни тавсифловчи олинган кўрсаткичлар; KPI (самарадорлик кўрсаткичлари) - олинган натижанинг ресурслар қийматига нисбатини тавсифловчи олинган кўрсаткичлар. Ушбу тизимнинг жорий этилиши ҳамда қай даражада фойдаланилиши корхонадаги хизматлар самарадорлигини бир неча баробарга оширади.
6.	Имкониятлар эшиги очилади	«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ушбу концепциядан фойдаланилса баҳолаш ва жорий қилиш тизими хизматлар сифатини ошириш, ташаббускорликни оширади, инновацион таклифлар ошади, ҳар бир ишли ва хизматчи ўз ишига масъулият билан ёндошади, ҳисобини юритиш имконини таъминлаш билан ходимларининг меҳнат шароитларини яхшилашга, ресурсларни тежаш, жихоз-ускуналарни ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишга олиб келади.
7.	Етакчилик тизими концепцияси	Етакчилик тизими концепцияси инновацион лойиҳаларни самарали амалга оширишга, ва ташкилотда олға интилиш учун ўзгартиришларни амалга оширишга қодир бўлган менеджерларнинг етакчилик ўзагини шакллантириш ва узоқ муддатли ривожлантиришни кўзда тутади.
8.	Қандай натижага эришилади	«Ўзбекистон темир йўллари» АЖда сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш вазифасининг кўлами ва мураккаблиги даражаси компаниянинг етакчилик фазилатларига эга бўлган, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун гурухларни яратадиган ва ишини ташкил эта оладиган ходимларининг улушкини ошириш учун шарт-шароитлар яратилишини талаб қиласди.

## **Манбаа: Муаллиф томонидан ишланган**

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жойизки “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бугунги кунда иқтисодиётини замонавий трансформация қилишнинг дастлабки босқичларига ўтган. Ушбу йўналиш хизматларини янада ривожлантириш учун имкониятлар SWOT тахлилидан кўриб турибмиз. Ушбу свод таҳлил асосида темир йўллар ўз фаолиятларини баҳолаб олишлари мумкин бўлади. Бу бўйича маҳсус электрон программа (№ МВМ-7-11. 30.06.2022 йилда) руйхатдан ўтказилган. Электрон программа “Ўзбекистон темир йўллар” АЖга тақдим этилади.

Албатта стандартларни жорий этишда ўзига яраша қийинчиликлари бўлади, лекин биз стандартларни жорий қилиш ҳамда амалда қўллашда ИТ- технологияларини, замонавий дастурларни соҳага трасформациясини босқичама-босқич тадбиқ қила олсаккина ижобий натижаларга эришамиз. Албатта биринчи навбатда ходимларнинг вазифаларини бажаришдаги фаоллигини оширишимиз зарурдир бунинг учун KPI ва BSC ни тўлиқ қўллаш ҳодимлар меҳнати самарадорлигини TQM (Total Quality Management) таркибий бўлимлар фаолиятининг сифат самарадорлик кўрсаткичларини ошишига хизмат қиласи.

## **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

1. M.Payazov "Инновационная политика как основная задача современной экономики". Ж: "Актуальная наука" № 3 [март,2019]. С 59-61. .[Electronic source] [https://e64f9e97-223d-468f-a5fd-e095d169621a.filesusr.com/ugd/c22b2f\\_f65d49bd129a465cb1c0f059ec526c74.pdf](https://e64f9e97-223d-468f-a5fd-e095d169621a.filesusr.com/ugd/c22b2f_f65d49bd129a465cb1c0f059ec526c74.pdf)
2. Г.Хонкелдиева. “Приоритетные направления развития региональной инновационной экономики Республики Узбекистан”. Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук: сборник научных трудов по материалам Международной научно-практической конференции 30 ноября 2017 г. [https://apni.ru/media/Sb\\_k-4-30.11.17.pdf#page=125](https://apni.ru/media/Sb_k-4-30.11.17.pdf#page=125).
3. M.Payazov. View of MODERNIZATION OF SERVICES ON THE RAILWAYS// Galaxy International Interdisciplinary Research Journal.-2022.[Electronic source]: <https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/1279>. qaraldi: 27.02.2022)
4. M.Payazov. Modernization of services on the railways// Scientific progress.-2022. .[Electronic source]<https://cyberleninka.ru/article/n/modernization-of-services-on-the-railways>. (qaraldi: 27.02.2022)
5. M.Payazov. Научные подходы в сфер услуг: алгоритм управления внедрения НИР// Ж:Gospodarka I innowacje. 2022. Том 21. -С.131-135.[Electronic source] <http://www.gospodarkainnowacje.pl/index.php/poland/article/view/95>
6. Payazov, M.M., Rakhimov, Yu.Yu. (2019). Applying biomimetic approach in architecture, Zhurnal «Dostizhenija nauki i obrazovanija» №8[9], pp. 15-16.

- 
7. Payazov Murod Maksudovich. (2022). In Management of Enterprises in the Service Market: Method of Evaluation of Efficiency of Services. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 8, 41–47. Retrieved from <https://zienjournals.com/index.php/tjm/article/view/1520>
8. М.М.Паязов Комилжонов, Ш. И. Цифровая экономика в системе образования Узбекистана: проблемы и их практическое решение / Ш. И. Комилжонов, М. М. Паязов // Актуальные вопросы развития современного общества, экономики и профессионального образования : материалы XVII Международной молодежной научно-практической конференции, г. Екатеринбург, 25 марта 2020 г. Т. 4 / Рос. гос. проф.-пед. ун-т. — Екатеринбург:РГППУ, 2020. — С. 100-102. [Electronic source] <https://elar.rsvpu.ru/handle/123456789/39204>
9. Ёрматов И.Т. Актуальные проблемы повышения инновационного потенциала Узбекистана Ж: Актуальные проблемы гуманитарных и социально-экономических наук № 5(11). 2017.с.70-73. .[Electronic source] <https://elibrary.ru/item.asp?id=2893803>
- 10.Паязов Мурод Максудович. (2022). В управлении предприятиями на рынке услуг: метод оценки эффективности услуг. Техасский журнал междисциплинарных исследований, 8 , 41–47. Получено с <https://zienjournals.com/index.php/tjm/article/view/1520>.
- 11.Payazov M.M. Services Market Digital Transformation can Change the World. American journal of economics and business management. Vol. 5, No.5,2022. Pp.119-126. <https://www.grnjournals.us/index.php/ajebm/article/view/1106/1026>
- 12.Yuldasheva, N.A. Issues of active development of the digital economy. ISJ Theoretical & Applied Science. 05 (97). 375-379. Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS>
- 13.Yuldasheva, N.A. Factors influencing the personnel management system in industrial enterprises. Journal of Management Value & Ethics. July-Sept. 21 Vol. 11 No.03. SJIF 7.201 & GIF 0.626. <https://www.jmveindia.com/journal/JULY-SEPT%2021%20final.pdf>